

ТУРКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ**Илхомов З.А. -Тошкент давлат педагогика университети доценти, тарих фанлари номзоди**

Аннотация. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Туркистанда иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт жараёнларида кўплаб тарихий ўзгаришлар содир бўлди. Бу ўзгаришларнинг алоҳида илмий муаммо сифатида ўрганилиши мўҳим аҳамиятга эгадир. Мақолада Туркистон ўлкасидағи XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидағи ижтимоий – иқтисодий ҳаёт жараёнлари тарихшунослик нуқтаи-назаридан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: тарихшунослик, таҳлил, илмий қарашлар, илмий муаммолар, тарихий жараёнлар, Туркистон, ижтимоий ҳаёт, иқтисодий ҳаёт, муаммолар, тадқиқотлар.

ИСТОРИОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ НЕКОТОРЫХ ПРОБЛЕМ СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ ТУРКЕСТАНА**Илхомов З.А.–доцент Ташкентского государственного педагогического университета, кандидат исторических наук**

Аннотация. Во второй половине XIX и в начале XX веков в социально-экономической жизни Туркестана произошли ряд исторических процессов, приводившие к некоторым изменениям. Изучение и исследование этих изменений как отдельная научная проблема имеет важное значение. В данной статье анализируются некоторые вопросы социально-экономической жизни Туркестанского края во второй половине XIX и в начале XX веков.

Ключевые слова: историография, анализ, научные взгляды, научные проблемы, исторические процессы, Туркестан, социальная жизнь, экономическая жизнь, проблемы, исследование.

HISTORIOGRAPHICAL ANALYSIS OF SOME PROBLEMS OF SOCIAL LIFE OF TURKESTAN**Ilkhomov Z. A. – associate Professor of Tashkent state pedagogical University, candidate of historical Sciences**

Annotation. In second half XIX and in the beginning of the XX-th centuries in a social and economic life of Turkestan have occurred a number of the historical processes, leading to some changes. Studying and research of these changes as the separate scientific problem has great value. In given article some questions of a social and economic life of Turkestani in second half of XIX and in the beginning of the XX-th centuries are analyzed. In the second half of the XIX and early XX centuries in the socio-economic life of Turkestan there were a number of historical processes that led to some changes. The study and investigation of these changes as a separate scientific problem is important. This article analyzes some issues of socio-economic life of Turkestan region in the second half of XIX and early XX centuries.

Key words: historiography, analysis, scientific glances, scientific problems, history processes, Turkestan, social life, economic life, problems, research.

Во второй половине XIX в. Средняя Азия становится объектом пристального изучения российской историографии. Торгово-политическая заинтересованность России в этом регионе, активизировавшаяся в начале XIX в., завершается в его второй половине завоеванием большей части его территории. Помимо данных о природно-сырьевых ресурсах и производительных силах, колониальной администрации необходимо было также глубже узнать о социально-экономических отношениях, общественной жизни, религиозных воззрениях, культуре и быте местного населения. Этим и объясняется появление в русской историографии конца XIX — начала XX вв. большого пласта научной литературы по среднеазиатской тематике.

Российские исследователи и правящие круги прекрасно понимали, что самую глубокую информацию о регионе могут дать местные первоисточники. Чтобы сделать их доступными для

широкого круга исследователей, их надо было выявить, перевести на русский язык, составить научные комментарии и издать. Этой работой занимались известные и высокопрофессиональные российские востоковеды, историки, этнографы, многие туркестанские чиновники, владевшие местными языками, - В.В. Григорьев, Н.И. Веселовский, Г.С. Саблуков, Н. Лыкошин, М.Ф. Гаврилов, В.Л. Вяткин, Н.П. Остроумов, В.П. Наливкин и многие другие.

Поскольку могущественным и всеобъемлющим фактором, определявшим все стороны жизни местного населения региона, был ислам, то всем исследователям, занимающимся изучением Средней Азии, прежде всего очень важно было иметь в русском переводе главную священную книгу мусульман — Коран, а также законы шариата и различные производственные уставы и нравственные предписания, регулировавшие внутреннюю жизнь мусульманского общества. Поэтому большим событием в российском востоковедении было издание в 1878 г. в Казани текста Корана, впервые переведенного на русский язык с арабского оригинала известным казанским востоковедом Г.С. Саблуковым. В 1894 г. и 1907 г. это издание было повторено, но с параллельно приведенным арабским текстом, в 1991 г. было издано репринтное воспроизведение текста Корана, изданного в 1907 г. В 1893 г. в Ташкенте были изданы Комментарии мусульманского права "Хидоя", переведенные с английского под редакцией военного губернатора Сырдарьинской области Н.И. Гродекова¹.

В последующие годы были изданы "Шариатские статьи о правовых отношениях мусульманского населения Туркестанского края, извлеченные из коренного действующего арабского изложения" по вопросам брака, наследства, дарения,² Сборник мусульманских постановлений о войне с неверными,³ "Кодекс приличий на Востоке" Мухаммада Садыка Кашкари,⁴ Постановления мусульманского законодательства о долъщиках,⁵ Рисоля (цеховые уставы) сартовских ремесленников.⁶

В исследуемый период российская историография обогащается не только ценной источниковой базой, но и разнообразными оригинальными исследованиями по среднеазиатской тематике.

Следует особо отметить работы, дающие общие и многоаспектные сведения о Туркестанском крае. Это труды И.И. Гейера "Путеводитель по Туркестану", "Туркестан",⁷ В.И. Массальского "Туркестанский край" (XIX том общероссийского издания "Россия. Полное географическое описание", выпускаемое под редакцией В. Семенова-Тяньшанского).⁸ По широте охвата материала и детальности его изложения труд В.И. Массальского вполне можно назвать малой энциклопедией Туркестанского края начала XXв.

Помимо трудов обобщающего характера историография исследуемого периода располагает значительным числом работ по конкретным проблемам экономики, общественной жизни, социальным и бытовым отношениям Туркестанского края и сопредельных с ним ханств. Все они были написаны уже в начале XX в., то есть тогда, когда была сформирована направленность развития экономики региона как сырьевого придатка метрополии, а его промышленность сориентирована только на производство продуктов нужных для промышленности России и потому хорошо отражают

¹ . Хидоя. Комментарии мусульманского права. Пер. с английского по ред. Н.И. Гродекова. Вып. I-IV. – Ташкент, 1893. – Вып. I.- 513 с.; Вып. II. – 462 с.; Вып. III – 243 с.; Вып. IV – 319 с.

² . Шариатские статьи с переводом на русский язык о правовых отношениях мусульманского населения Туркестанского края, извлеченные из коренного действующего арабского изложения, по вопросам, предложенным сенатором графом К.К.Паленом на обсуждение комиссии ученых туземцев, созданной из трех областей края в Ташкенте. – Ташкент, 1910. – 77 с.

³ . Джихадали газават (Перевод мусульманских постановлений о войне с неверными). Пер. Ярового-Равского. //Сборник материалов по мусульманству. Том 1. – Ташкент, 1899. – С.101-128.

⁴ . Мухаммад Садык-и-Кашкари. Абд-ул-салихын (Кодекс приличий на Востоке). Пер. Н.Лыкошина. //Сборник материалов по мусульманству. Том 2. – Ташкент, 1900. – С. 21-83.

⁵ . Граменицкий С.М. Постановления мусульманского законодательства о долъщиках. //Туркестанский сборник. Том 459. – Ташкент, 1908. – С.136-147.

⁶ . Рисоля сартовских ремесленников. Собрал и перевел М. Гаврилов. – Ташкент, 1912. – 59 с.

⁷ . Гейер И.И. Путеводитель по Туркестану. – Ташкент. 1901. – 255 с.; Его же. Туркестан. Изд. 2-е. – Ташкент, 1909. – 346 с.

⁸ . Россия. Полное географическое описание. Настольная и дорожная книга под ред. В.П. Семенова-Тяньшанского. Том XIX. Туркестанский край, составил князь В.И. Массальский. – СПб., 1913. – 861 с.

ситуацию в крае в тот период. Среди работ, освещающих экономические вопросы, следует выделить работы А. Губаревич-Родобыльского,¹ Н.С. Лыкошина,² А.П. Демидова,³ С.И. Гулишамбара,⁴ В.Н. Оглоблина,⁵ В.В. Заорской и А. Александера.⁶ Особо надо отметить капитальный труд супругов В.В. Заорской и А. Александр. Он ценен для нас тем, что дает первые и единственные обобщенные сведения о численности промышленных заведений Туркестана к 1914 г., характере их производства, численности работающих на них рабочих, их профессиональном и национальном составе.

Они свидетельствуют о том, что накануне первой мировой войны рабочий класс в Туркестане был крайне малочисленный и не мог оказывать того решающего влияния на его общественно-политическую жизнь, какое ему приписывалось в советской историографии, поскольку на тысячу человек населения Туркестана приходилось всего 3-4 рабочих, тогда как в России - 48 рабочих.⁷

Весьма обширна литература по проблемам сельского хозяйства, что вполне объяснимо аграрным характером его экономики и особой заинтересованностью колониальной администрации в глубоком знании этой проблемы. Основное внимание уделялось в работах проблемам выращивания хлопка, который к началу XX в. становится практически монокультурой в крае. "Едва ли какая-либо отрасль русского хозяйства, — писал чиновник Департамента земледелия В.И. Массальский, — может похвастаться таким огромным и быстрым развитием, какого достигло в сравнительно короткий период времени наше хлопководство⁸". Проблемы, возникшие в структуре сельского хозяйства в регионе, в связи с активным развитием хлопководства и, обусловленные этим, изменения в структуре и экономике дехканских хозяйств широко отражены в работах чиновников Департамента земледелия В.И. Массальского⁹ и С.А. Мелик-Саркисяна,¹⁰ делопроизводителя Управления земельных и государственных имуществ Туркестанского края В.И. Шкапского¹¹, чиновников налоговой службы Туркестанского края А.И. Шахназарова¹² и А.П. Демидова,¹³ агронома Управления по переселенческим делам Сырдарьинской области В.И. Юферева¹⁴, агронома земельно-податного отдела Сырдарьинской области С.В. Понятовского.¹⁵ Тот факт, что авторы этих работ были чиновниками колониальной администрации, работавшими в сфере сельского хозяйства края, и, следовательно, хорошо владевшими ситуацией, повышает их информационную значимость. С нашей

¹ Губаревич-Радобыльский А. Экономический очерк Бухары и Туника. Опыт сравнительного исследования двух систем протектората. — СПб., 1905. — 261 с.; Его же. Постройка железных дорог в Бухарском ханстве и влияние этих дорог на хлопководство — СПб., 1912; Его же. Значение Туркестана в торговле России с сопредельными странами Азии. //Материалы для изучения хлопководства. Вып. 2. — СПб., 1912. — 239 с.

² Лыкошин Н.С. Чапкулинская волость Ходжентского уезда Самаркандской области (опыт исследования экономических и бытовых условий жизни населения Чапкулинской волости) // Справочная книга Самаркандской области. Вып. 8. — Самарканд, 1905 — 25 с.

³ Демидов А.П. Экономический очерк хлопководства, хлопковой торговли и промышленности в Туркестане. — Ташкент, 1912. — 256 с. (Работа была переиздана в 1922 г. — Н.М.)

⁴ Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района, обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой (Закаспийская, Самаркандская, Сырдарьинская и Семиреченская области, а также Бухарское и Хивинское ханства). Часть 1-3. — Асхабад, 1913.

⁵ Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. — М., 1914.

⁶ Заорская В.В. и Александр А. Промышленные заведения Туркестанского края. Разработка данных анкеты, произведенной летом 1914 г. экономической организацией изысканий по устройству водохранилищ в верховьях реки Сырдарьи. — Петроград, 1915. — 559 с.

⁷ Заорская В.В. и Александр А. Указ соч. — С. 19.

⁸ Массальский В.И. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предпримчивость. — СПб., 1910. — С.21.

⁹ Массальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии (Туркестан, Закаспийская область, Бухара и Хива) и его будущее. — СПб, 1892. — 166 с.; Его же. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предпримчивость. — СПб., 1910.

¹⁰ Мелик-Саркисян С.А. Хлопковое дело Ферганской области и меры его упорядочения. — М., 1914. — 68 с.

¹¹ Шкапский В.И. Амударгинские очерки к аграрному вопросу на нижней Амударье. — Ташкент, 1900. — 283 с.

¹² Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. — СПб., 1908 — 512 с.

¹³ Демидов А.П. Экономический очерк хлопководства, хлопковой торговли и хлопковой промышленности в Туркестане. — Ташкент, 1912. — 256 с.

¹⁴ Юферев В.И. Труд в хлопковых хозяйствах Туркестана (опыт характеристики рабочего вопроса в хлопковых районах Туркестанского края). — СПб., 1914. — 60 с.; Его же. Хозяйство сартов Ферганской области. — Ташкент, 1911. — 76 с.; Его же. Русский хлопок. — Петроград, 1916. — 28 с.

¹⁵ Понятовский С.В. Опыт изучения хлопководства в Туркестане и Закаспийской области. — СПб., 1913. — 357 с.; Его же. Сельское хозяйство, промышленность и торговля Туркестана за 50 лет русского владычества. //Туркестанское сельское хозяйство. 1915. № 6.

точки зрения, их нельзя обвинять в субъективизме или стремлении приукрасить положение дехкан. В связи с тем, что крупные плантаторские хозяйства, выращивающие хлопок, в крае не получили распространения и основным производителем этой культуры был дехканин, работавший на небольшом (2-3 десятины) участке земли, перед ними стояла четкая задача не восхвалять жизнь туркестанского дехканина, а дать анализ реального экономического положения его хозяйства и найти пути его укрепления. Эти пути они искали через общества мелкого кредита, ссудно-сберегательные кассы, простейшие кооперативы, которые позволили бы небольшим дехканским хозяйствам увеличить их эффективность и тем самым выращивать как можно больше хлопка для текстильной промышленности метрополии. Приводимые в работах А.П. Демидова, В.И. Юферева, С.В. Понятовского расчеты доходности хлопка в сравнении с другими сельскохозяйственными культурами, объясняют причину наличия в крае преимущественно небольших дехканских хозяйств. Получалось, что выращивать такую высокодоходную и товарную культуру, как хлопок, на относительно небольшом земельном наделе дехканской семье было выгодно, так как она получала возможность, используя вековой опыт предков в высоконитенсивном труде, обходиться только своими силами, не прибегая к найму дополнительных рабочих рук, и весь доход оставлять в семье. Анализ же бюджета таких хозяйств показывает, что выращивание хлопка силами только своей семьи, делало эти хозяйства вполне самодостаточными (хотя, конечно, им нужна была помочь кредитами, удобрениями и т.д.). Все это позволяет сделать вывод о том, что в начале XX в. в туркестанском кишлаке значительную часть составляли небольшие дехканские хозяйства среднего достатка. Однако, этот вывод опровергает сложившееся в советской историографии мнение, что в туркестанском кишлаке в этот период большинство составляли малоземельные хозяйства бедняков, для которых выход из нужды был только в коллективных хозяйствах, что дехканин не способен был единолично вести эффективное хозяйствование.

Для исследования социальной структуры общества среднеазиатского региона историография исследуемого периода дает достаточно много материала. Прежде всего, в той или иной степени сведения по этой проблеме содержаться почти во всех названных выше работах. Их дополняют также труды таких видных краеведов и этнографов, как Н.С. Лыкошин,¹ В.П. Наливкин,² Н.П. Остроумов,³ Н.Л. Мордвинов, А.И. Добросмысло, Н.А. Маев. Все эти исследования дают достаточно материала, чтобы сделать вывод, что в результате изменившейся политической и экономической ситуации в регионе в конце XIX - начале XX вв. складывается новая социальная структура общества, формируется и утверждается новая социальная сила — слой собственников, функционирующих в различных сферах деятельности. Кровно заинтересованные в сохранении и приумножении своей собственности, как основы их благополучия и общественного положения, собственники становятся главной фигурой, участвующей в развитии производительных сил общества, упрочении его стабильности. Причем, большую часть этого слоя собственников составляли средние собственники, которые преобладали в сельском хозяйстве, промышленном, кустарно-ремесленном производстве, торговле, интеллектуальной сфере.

Кроме данных о социальной структуре туркестанского общества, работы этих авторов содержат интереснейшие материалы о социальных отношениях, религиозных воззрениях, социальной психологии, чертах характера и быта населения региона. Хотелось бы отметить их оценку

¹ Лыкошин Н.С. Казии. //Русский Туркестан. – Ташкент, 1899. – С.17-57; Его же. Результаты сближения русских с туземцами // Справочник по Туркестанскому краю на 1903 г. – Ташкент, 1903; Его же. Положение в Туркестане. Очерк быта туземного населения. – Петроград, 1916. – 412 с.

25. 26.

² Наливкин В. и Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань, 1886. – 244 с.; Наливкин В.П. Очерк благотворительности у оседлых туземцев Туркестанского края. //Сборник материалов по мусульманству. Том II – Ташкент, 1900. – С. 131-147; Его же. Положение вакуфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания. //Ежегодник Ферганской области. Том III. – Новый Маргилан, 1904. – С. 1-57; Его же. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент, 1913, — 144 с.; Его же. Сведения о туземных мадраса Сырдарыинской области в 1890/91 учебном году. – Ташкент, 1916. – 93 с.

³ Остроумов Н.П. Исторический очерк народного образования в городах и укреплениях бывшей Сырдарыинской линии в Туркестанской области с 1860 г. по 1867 г. – Ташкент, 1881. – 198 с.; Его же. Сарты. Этнографические материалы. Вып.1. Изд. 2-е, дополненное. – Ташкент, 1896. – 272 с.; Его же. Мусульманское законоведение (из курса, читанного в 1908/1909 году офицерам на курсах индустрии. – Ташкент, 1909. – 82 с.; Его же. Введение в курс исламоведения. – Ташкент, 1914. – 215 с.; Его же. К 50-летию Ташкента (15 июня 1865 г. – 15 июня 1915 г.). – Ташкент, 1915. – 80 с.

ҳарактера и ментальности коренных туркестанцев. Известный этнограф Н.П. Остроумов писал, что туркестанские мусульмане "отличаются религиозностью, честностью, трезвостью и умеренностью в жизни. Религиозность составляет основную черту их воспитания и поддерживается широко распространенным среди населения начальным образованием, отличающимся религиозно-нравственным направлением, а честность, трезвость и умеренность составляют естественные черты их патриархального быта. Все эти качества весьма важны по их благотворному влиянию не только на жизнь современного населения, но и на жизнь будущих поколений". Русских исследователей в Туркестане удивляли благопристойные взаимоотношения местного населения, которые по словам другого известного краеведа и этнографа В.П. Наливкина "отличались сдержанностью и вежливостью, а многотысячная толпа, собиравшаяся в городах во время праздников, не оставляла желать ничего лучшего в отношении благочиния и благопристойности". Особенно поражала их воспитанность мусульманских детей, их "умение владеть собой и поддерживать порядок в какой угодно обстановке, даже при соблазнительности предстоящих лакомств". Уважительно относились русские ученые к деятельности махаллей в городах и кишлаках с их этической системой, в которой главенствовали взаимопомощь, гостеприимство, уважение к старшим, особая забота о детях, родителях, стариках и которая стала одной из черт национальной культуры и психологии коренного населения региона, сохранившись до настоящего времени.

Завершая историографический обзор, можно сделать вывод, что социально-экономические проблемы колониального Туркестана были достаточно разработаны в русской литературе конца XIX - начала XX вв., которая создала солидную историографическую базу проблемы. Ее достоинством является большое разнообразие исследуемых вопросов и высокий информационный уровень собранного и обобщенного фактического материала, поэтому она широко используется большим кругом исследователей.

ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДЛАРИГА ХРИСТИАНЛИКНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА ЁЙИЛИШИ ТАРИХИ

Эшкуватов Б.В.- Тошкент давлат педагогика университети таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада христианликнинг мамлакатимиз ҳудудларида тарқалиши масалалари манбалар ва мавзуга оид илмий адабиётлар таҳлили орқали ёритилади. Шунингдек, насронийликнинг Ўрта Осиёга кириб келишини даврлаштириш борасида аниқ хulosаларга келинди. Мақолада минтақамизга кириб келган дастлабки насронийлар жамоаларининг таркибиға ҳам алоҳида эътибор қаратилди, мазҳаблар ўртасидаги тафовутлар кўрсатиб ўтилади.

Калит сўзлар: хаворий Фома, литургик календар, Апостоллар черкови, малика Нестор, Самарқанд митрополияси, Хоразм христиан кафедраси, иподион.

ИСТОРИЯ ПРОНИКОВЕНИЯ И РАСПРОСТРАНЕНИЯ ХРИСТИАНСТВА В СРЕДНЮЮ АЗИЮ

Эшкуватов Б.В.- докторант Ташкентского государственного педагогического университета

Аннотация. В этой статье вопросы проникновения и распространения христианства на территории Средней Азии освещается обзором источников и научной литературы по этому вопросу. В статье также освещается состав первых христианских общин, проникших в наш регион, и различия между религиозными субъектами.

Ключевые слова: Хома Фома, Литургический календарь, Церковь Апостолов, Царица Нестор, Самаркандская Мистерия, Хорезмская Христианская Кафедра, Певчий, Иподион.

ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДЛАРИГА ХРИСТИАНЛИКНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА ЁЙИЛИШИ ТАРИХИ THE HISTORY OF PENETRATION AND SPREAD OF CHRISTIANITY IN CENTRAL ASIA

Eshkuvatov B. V. - doctoral student of Tashkent state pedagogical University

Annotation. In this article questions of penetration and distribution of Christianity in the territory of Central Asia are covered by the review of sources and scientific literature on this question. The article also highlights the composition of the first Christian communities that penetrated into our region, and the differences between religious subjects.

Key words. Homa Foma, Liturgical Calendar, June 21, The Church of the Apostles, Queen Nestor, Samarkand Mystery, Khorezm Christian Chair, Pevchiy, Ipodion.

Маълумки, энг қадимги даврлардан бошлаб Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида аҳоли турли динларга эътиқод қилиб, улар орасида дунё динларидан бири ҳисобланган христианлик ўзига хос ўринга эга бўлган. Ушбу мақолада христианликнинг минтақамизга кириб келиши, насороларнинг Ўрта Осиё ҳудудидаги фаолиятини ёритишига ҳаракат қилинди.

Зарафшон воҳаси орқали бутун Ўрта Осиёга ёйилган бу диний эътиқод дастлаб бизнинг ўлкамизга Сурия ва Эрондан кириб келган. Христиан черкови маълумотларига кўра бу диннинг Осиё мамлакатларида, Ҳиндистон ва унинг қўшни давлатларида тарқалиши хаворий Фома номи билан боғланади. Минтақага дастлабки миссионерларнинг қаҷон ва қайси йўл орқали кириб келганлиги ҳақидаги аниқ маълумотлар бизгача етиб келмаган. Аммо, буюк қомусий аллома Абу Райхон Беруний қаламига мансуб “Осор-ул боқия” асарида Хоразмда истиқомат қилувчи носоро – маликоияларнинг литергик календари мавжуд бўлган. Ушбу календарда Исо пайғамбар вафотларидан икки аср ўтиб, Марв диёрига христианликни олиб келган Барахий исмли руҳоний шарафига махсус байрам куни мавжуд бўлганлигини, ушбу байрам 21 июнь куни нишонланганлиги қайд қилинади¹.

Бизгача етиб келган айрим ёзма манбаларда милодий 334 йилда Марв вилоятида епархия мавжуд бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни учратишимиз мумкин². Юқоридаги маълумотга таянадиган бўлсак, Марв ҳудудларида носоролик таълимоти 334 йилдан илгари вужудга келган ва аҳолининг маълум қатлами ушбу диний эътиқодга сифинишган.

Аслида Ўрта Осиё минтақасига христианликнинг кириб келиши III асрга бориб тақалади. Бунга сабаб сосонийлар Эронида носороларнинг таъқибга учраши ва уларни мамлакат ҳудудидан кўчириб юбориш билан боғлиқ сиёсий жараён билан боғлиқ эди. 241-272 йилларда ҳукмронлик қилган Эрон подшоҳи Шопур I 259 йилда Рим императори Валериан билан бўлган жангда ғолиб чиққач Рим императори ва унинг қўшинини асирга олади ва уларни музофотининг шарқий иқлиmlарига жойлаштиради³. Ушбу қўшин таркибида носоролар ҳам мавжуд бўлган.

Миллати арман бўлган тарихчи Егише Шопур II бошқаруви даврида носоролар Кушонлар Бақтриясидан тортиб Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудларга тарқалиб кетганлиги тўғрисида далиллар келтиради⁴. Ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борган яна бир тадқиқотчи О.Хансенning маълумотларига қараганда, Ўрта Осиё минтақасига христианлар қириб келишининг иккинчи босқичи Сосоний ҳукмдор Яздигар II(438-457) даврида содир бўлган⁵.

Марв шаҳри ва унинг атрофларида олиб борилган археологик тадқиқотлар давомида I-II асрларга оид бўлган черковлар ҳамда II- III асрларга тегишли бўлган қабрлар топиб, ўрганилган⁶.

Иссиққўл атрофларидаги арман монастири таркибига кирувчи хаворий Матто даҳмасини Марказий Осиё минтақасига носороликнинг кириб келиши ва тарқалишига доир бўлган яна бир далил сифатида талқин қилишимиз мумкин.

¹Абу Райхон Беруний. Танланган асрлар. I том.-Т.: Фан,1968.-Б.342.

² Богомолов Г.И., Буряков Ю.Ф. и др. Христианство в Средней Азии\\ Из истории древних культов Средней Азии\под.ред. А.И. Кременцова.- Т.: Комрон,1994.-С.10.

³Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом.1 китоб. Жоҳилия асри.-Т.:Тошкент ислом университети,2001.-Б.109.

⁴Егише. Боръба христианства с учением зороавстровым в пятом столетии, в Армении./Пер.с армянского П.Шаншиева.-Тифлис: В типография канцелярии наместника кавказского,1853.

⁵Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь.-Т.,1999.-С.75.

⁶Усманова З. Христианские памятники Туркмении\\ Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. –Т.,1994.-С.29-31.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқадиган бўлсак, милодий аср бошларидан носоролик Марв, Бақтрия, умуман Ўрта Осиёда кенг ёйила бошлади ва аҳоли орасида зардуштийлик, буддавийлик динлари билан бир қаторда аҳолининг маълум қатлами орасида диний эътиқод бошқача тус ола бошлади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Марв ҳудудлари носороликни бутун минтақага ёйишда марказ вазифасини ўтаган¹. Марв вилояти епископлари Шарқий черковда алоҳида нуфузга эга бўлганлар ва черков йиғинларида қатнашишган. Ўрта Осиёга кириб келган христианлар таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг асосий қисми несторианлар, православ маликоялари, Ғарбий Сурья черкови йўналишига мансуб бўлган ёқубийлардан иборат эди².

Ўрта Осиёга кириб келган носоролар таркибидаги аксарияти маликоялардан иборат эди. Ушбу йўналиш подшоҳ ва малика қўллаб-қувватлагани учун маликоя, яъни икки подшоҳ мазҳаби деб номланади. Уларнинг таълимотига кўра, “Исо Масиҳ отаси Худо билан бирга илоҳий табиатида, одамлар билан бирга эса инсоний табиатидадир”³.

Иккинчи йирик оқим несторианлик ҳисобланиб, ушбу оқимга Антиохиядан бўлган рухоний Нестор томонидан асос солинган. Ушбу оқим тарафдорлари Исони Худонинг ўғли эмас, балки Худо унинг вужудида яшаган, деган таълимотни илгари суради⁴.

Учинчи ёқубия гурӯҳи эса Исо пайғамбарнинг илоҳийлик табиатини тасдиқлаб, унга имон келтирадиганmonoфизит йўналиш саналади. Ушбу секта носутият ва лоҳутият ягона Исо пайғамбарда бирлашган яъни иттиҳода кўринишида деб ҳисоблайдилар⁵.

Ушбу йўналишлар ўртасида Муқаддас ёзувни шарҳлаш, черков маросимлари борасида ҳам муйян тафовутлар мавжуд. Ушбу тафовутлар секталар ўртасида ихтилофларни ҳам келтириб чиқарган⁶.

Насороларнинг Ўрта Осиёга кириб келишида ўзига хос дарвоза, ўтказувчи ҳудуд вазифасини Эрон давлати ўтаган. Эронда милодий II асрдаётқ христиан жамоалари мавжуд эди. Сосоний ҳукмдор Яздигар I даврида Эрондаги насронийлар черкови Византиядан мустақиллиги эътироф қилинган эди. Феруз(459-484) шоҳлиги даврида несторианлар давлат томонидан ҳимояга олиниб, уларга ёрдам кўрсатила бошланди. Византиядан кўчиди келаётган насронийларнинг Эрон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланишининг ўзига хос сиёсий сабаблари бор эди. Чунки Эрон бу пайтда Византия билан уруш ҳолатида бўлган. Кўчиди келадиган христиан рухонийлари Византияга қарши кайфиятда туриб, улар Эрон манфаатлари учун хизмат қилишарди. Лекин насронийлар учун бу пайтда Эрон ҳам осоиишта макон ҳисобланмас эди, улар доимо зардуштий коҳинларнинг тазииклари остида яшашга маҳкум эдилар. Ушбу сабабдан келиб чиқиб бу насоролар миссионерлик фаолияти билан шуғулланишар эди⁷.

Марказий Осиёнинг ғарбий ҳудудларида VI-VII асрларда несторианлик оқимининг таъсири кучайиб, митрополияга асос солинди. 628-643 йилларда патриархлик вазифасини ўтаган Иешубе II даврида Осиёнинг йирик мамлакатлари Ҳиндистон ва Хитой билан бир қаторда Самарқанд, Ҳиротда митрополиялар ташкил этилган. Лекин В.В. Бартольд ва Э.Захау бу тўхтамга қарши чиқиб, Самарқанд митрополияси V асрда таъсис этилганлигини таҳмин қилишган⁸. Юқоридаги фараз тарихий ҳақиқатга нисбатан яқин бўлиб, 410-416 йилларда патриархлик қилган Аҳая томонидан тасдиқловчи ёрлик жўнатилганлиги ҳақидаги маълумотлар манбаларда учрайди. Ҳирот митрополияси VI асрнинг иккинчи ярмида тузилган бўлса, бундай митрополиялар VII асрда Қошғар ҳамда Навкатда(Қашқадарё воҳаси) ташкил қилинганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас⁹.

Христианликнинг Ўрта Осиёдаги ушбу давлаштирилишида ҳам жузъий хатоликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Чунки VI асрда Ғарбий Турк хоқонлиги Марказий Осиёнинг катта қисмини

¹ Буряков Ю.Ф. Истина, пришедшая с караванных путей и оставшаяся во дворцах халифов\Ж.Восток Свыше\духовное и литературно-историческое издание.-Т.:2002.-Вып.III.-С.23.

² Буряков Ю.Ф., Жукова Л.И., Проскурин В.Н. К истории христианства в Средней Азии.-Т.: Узбекистан.1998.-С.7.

³ Обидов Р. Қуръони Каримда Исо пайғамбар сиймоси.-Т.,2002.-Б.61.

⁴Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом.1 китоб. Жоҳиля асри.-Т.:Тошкент ислом университети,2001.-Б.109.

⁵Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь.-Т.,1999.-С.73.

⁶ Булгаковский Д. Иссык-Кульский православный миссионерский монастырь в Средней Азии.-СпБ.1986.-С.109.

⁷ Из истории древних культов Средней Азии. Христианство.-Т.,1994.-С.10-11.

⁸Народы и религии мира.-М.:1999.-С.779.

⁹ Бартольд В.В. Еще о христианстве в Средней Азии.-М.,1964.-Т.2(ч.2).-С.315-319.

ўз сиёсий таъсирида ушлаб турарди. 561 йили византиялар томонидан асирга олинган туркларда несториан-насронийларнинг хоч белгиси мавжуд бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар Феофилакт Симоката кундаликларида қайд қилинган¹.

Исломгача бўлган даврда Ўрта Осиёда насоро жамоаларининг фаолият юритганлигини исботловчи бир қанча далиллар ҳам мавжуд бўлиб, булар жумласига қабertoш белгилари ҳамда тангаларни киритишими мумкин.

Хоразм тарихининг чуқур билимдони С.П.Толстов VIII асрга оид бўлган ҳужжатларни жиддий таҳлил қилган холатда Хазар митрополияси таркибида Хоразм христиан кафедраси мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги фактни илмий истеъмолга киритган².

Марказий Осиё ҳудудидаги черков ва монастирларнинг асосийлари Еттисув, Талас (Қозоғистон жанубидаги V-XVI асрларга оид бўлган қадимий шаҳар, ҳозирги кунда Жамбул шаҳри ҳудудларига тўғри келади), Марв, Самарқанд шаҳарлари ва Хоразм воҳасида бунёд қилинган.

Абу Райхон Берунийнинг таъкидлашича, минтақадаги энг йирик насронийлик маркази Марв шаҳрида жойлашган эди. Хурросон митрополити айнан Марв шаҳридан туриб, насронийлар жамоаларига етакчилик қилган, миссионерлик фаолиятини ҳам олиб борган. Хурросон митрополити энг юқори диний титул саналмиш ушбу рутбани певчий, чтец, иподион, диакон, руҳоний, епископ босқичларидан муваффақиятли ўтганидан кейин қўлга қиритган ва бутун жаҳон насоро дунёсида ўз сўзига эга бўлган³.

М.Е.Массон раҳбарлигига 1938 йили Самарқанд вилояти Ургут тумани ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқот давомида монастир қолдиқлари аниқланиб, ўрганилди. Монастирга ёндош ҳудудда насронийлар жамоаси истиқомат қилганлиги ҳақидаги илмий фараз ҳам ўз исботини топди⁴.

Тадқиқотчи Г.А.Пугаченкова Марв шаҳридан 15 км юқорироқда жойлашган, ерлик халқ томонидан “Кўшки хароба” деб номланадиган ёдгорликни жиддий тадқиқ қилиб, уни V-VI асрларга оид бўлган насронийлар ибодатхонаси эканлигини исботлади⁵.

Насронийлик динига оид бўлган атрибуллар (Исо пайғамбар ҳайкали, хоч белгилари туширилган сопол буюмлар, диний маросимлар буюмлари) Ўзбекистоннинг шарқий қисми Фарғона водийсидан, марказий минтака саналган Шош воҳаси, Зарафшон ҳавзасидан топилган⁶.

Материаллар таҳлилига кўра хулоса ясайдиган бўлсак, Ўрта Осиёга насронийликнинг ilk оқимлари кириб келишига минтақа ҳудудларининг Буюк Ипак йўли орқали Византия билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ўрнатиши асосий сабаб бўлган. Археологик маълумотларга кўра, маликоя, ёқубия, несторианлар мамлакатимиз ҳудудида VI-VII асрларда кенг фаолият кўрсатган. Эътибор қаратишими лозим бўлган яна бир жиҳат, Ўрта Осиё аҳолиси томонидан ўзга дин ва эътиқод вакилларига хурмат билан қаралган ва уларнинг эмин-эркин ўз диний амалларини бажаришига шарт-шароитлар яратиб берилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛAR ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

Набиев Э.Б. - Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчisi

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг сайлов қонунчилиги халқ ҳокимиятчилигининг асосий омили эканлиги масаласи ёритилган.

¹ Из истории древних культов Средней Азии. Христианство.-Т.,1994.-С.10-11.

²Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь.-Т.,1999.-С.76.

³Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. I том.-Т.:Фан.1968.-Б.330.

⁴Массон М.Е. Происхождение двух несторианских намогильных галек Средней Азии//ОНУз.,1978.-№10.-С.53-55.

⁵Усманова З. Христианские памятники Туркмении// Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. –Т.,1994.-С.27-29.

⁶Иваницкий И.Д. Из истории древних культов Средней Азии. Христианство.-Т.,1994.-С.10-11.

Калит сўзлар: конституция, давлат ҳокимияти, сиёсий партия, сайлов, депутат, сенатор, Президент, референдум.

ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПАРТИИ И ИЗБИРАТЕЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО В РАЗВИТИИ ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Набиев Э.Б.- преподаватель Ташкентского государственного педагогического университета

Аннотация. В этой статье политические партии и избирательное законодательство в Узбекистане рассматривается как важный фактор управления народом.

Ключевые слова: Конституция, институт, государство, правительство, политическая партия, выборы, депутат, президент, референдум.

POLITICAL PARTIES AND ELECTORAL LEGISLATION IN THE DEVELOPMENT OF A DEMOCRATIC SOCIETY IN UZBEKISTAN.

Nabiiev E. B. - teacher of Tashkent state pedagogical University

Annotation. This article considers political parties and electoral legislation in Uzbekistan as an important factor in the governance of the people.

Key words: Constitution, Institute, State, Government, Political Party, Election, Deputy, President, Referendum

Бугунги ривожланаётган даврда сиёсий партиялар ва уларнинг давлатимизда тутган ўрни беқиёсdir. Маълумки, демократик ҳуқуқий давлатни сиёсий партияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Демократик жамиятда сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар бевосита давлат фаолиятининг устуворлиги йўналишларини белгилашда иштирок этади. демократик жараёнларни сайловларсиз амалга ошириб бўлмайди.

Сайловларнинг адолатли ташкил этилиши ва амалга оширилиши, фуқароларнинг мазкур сиёсий жараёнда фаол иштилари, ўз вакилларига эркин, қонуний тарзда овоз беришлари, сайловлар натижасида парламентда ҳамда вакиллик органларида номзодларни танлаш демократиянинг шаклланганлигини, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, маданиятининг юксаклигини ифода этади.

Сайлов қонунчилиги тизимининг негизини ташкил этувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизимига маҳсус боб бағишлиган ва сиёсий плюрализмни амалда кафолатлашга қаратилган бир қатор асосий принциплар мустаҳкамланган.

Сайловлар демократиянинг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар фуқароларнинг сиёсий хоҳиш-иродаларини ифода этиб, ҳокимият ва бошқарув органларини шакллантиришнинг мезони ҳисобланади. «Сайловлар - бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик рухда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, ҳалқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидағи иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир».

Сайловда ҳалқ иродасига мос келадиган ривожланиш дастури ва унинг ижросини таъминлайдиган ҳалқ вакиллари (депутат, сенатор, Президент) танланади. Бу эса ўз вақтида демократия тараққиётини таъминлайди. Демократик сайловларнинг қўйидаги тамойиллари мавжуд:

- а) умумхалқ сайловлари;
- б) тенглик;
- в) сайловларда яширин овоз бериш эркинлиги;
- г) тўғридан-тўғри (бевосита) овоз бериш.

Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб, мамлакатда муқим 10 йил яшаётган, 35 ёшга тўлган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати ва сенатори этиб мамлакатда 5 йил муқим яшаб келаётган, 25 ёшга тўлган, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига 21 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланиши мумкин.

Ўзбекистон сайлов тизими субъектларига Марказий, округ ва участка сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар ва сайловчилар киради. Марказий сайлов комиссияси аъзолари Олий Мажлис томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда сайланади. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларини, округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларини шакллантиради. Сайлов комиссиялари ўз фаолиятида қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлик принципларига амал қиласди.

Сайлов комиссиялари ижро этувчи, қонун чиқарувчи ёки суд ҳокимияти таркибига кирмайди ва уларга бўйсунмайди. У ўз фаолиятида мустақиллар.

Сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, депутатларни рўйхатга олиш ҳуқуқи – сайлов комиссияларига; сайловолди дастурларини сайловчиларга тақдим этиш ва депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларга; сайловолди дастурларининг энг муносабини танлаш ва депутатларни сайлаш ҳуқуқи сайловчиларга берилган.

Референдум лотинча «референдум» сўзидан олинган бўлиб, «эълон қилиниши лозим хабар» деган маънени англалади¹.

Референдум ва сайлов халқ иродасини ифода этишининг олий шаклидир. Демократик режимда халқ давлат ҳокимиятига эгалик ҳуқуқини сайлов ва референдум орқали амалга оширади. Халқ сайлов орқали давлат ҳокимияти органларини бевосита ёки билвосита шакллантириш референдум орқали давлат ва жамият ҳаётига даҳлдор масалалар бўйича қарор қабул қиласди. Сайлов натижасида давлат органлари – Президент, Парламент, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайланса, референдум натижасида халқ қарори қабул қилинади. Референдумни инкор этувчи давлатлар демократик давлатлар таркибига кирмайди.

Демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бири бу референдумнинг халқнинг олий қарори сифатида эътироф этилишидир. Ўзбекистон – демократик давлат. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади...»² деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Референдум ўтказиш тартиби эса Ўзбекистон Республикасининг «Референдум тўғрисида»ги Қонунида ифода этилган. Ушбу Қонунда Референдумга қўйидагича таъриф берилган: «Ўзбекистон Республикасининг референдуми (бундан бўён матнда референдум деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир. Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ўтказилади». Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказиш ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти чиқиши мумкин³.

Ҳозирга қадар мамлакатимизда уч маротаба референдум ўтказилган. Биринчи марта 1991 йил 29 декабрда ўтказилган референдумда «Сиз Олий Кенгаш томонидан Ўзбекистон

¹ Изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т., 2000. Б.188

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2010. – Б.5.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Референдум тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси. – 2001. – № 9-10. – 176-м.

Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилинишини маъқуллайсизми?» деган савол қўйилган эди. Унда Ўзбекистон халқининг 98,2 % мустақилликни ёқлаб овоз берган.

1995 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласган. Қарорда қўйидаги масалалар кўрсатилган:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш бўйича 1995 йил 26 март, якшанба куни Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказилиши;

2) референдумда овоз бериш бъюллетенларига «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколат муддатининг 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?», деган саволни киритиш.

Сайлов – халқ ўз ҳокимияти ва хоҳиш-иродасини тўғридан-тўғри рўёбга чиқаришнинг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг негизи ҳисобланувчи улкан ижтимоий-сиёсий тадбирдир.

Ўзбекистонда сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва кўп partiyaийlik асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Бу демократик давлатнинг асосий шартларидан биридир. Кўп partiyaийlik асосида сайловлар ўтказиш қўйидагиларни билдиради: ҳуқуқий жиҳатдан рўйхатга олинган барча сиёсий партияларнинг сайлов компаниясида иштирок этиши; конституция ва қонун талаблари доирасида ўз номзодларини Олий Мажлис депутатлигига кўрсатиш ҳуқуқи ва кафолатли шарт-шароитини яратиш; сиёсий партияларнинг барча даражалардаги сайлов комиссияларининг ишида қатнашиш ҳуқуқи ва кафолатли шарт-шароит яратиш; Олий судга, зарур ҳолларда эса Конституциявий судга, Олий Мажлисга сайловлар ҳақидаги Қонуннинг бўзилиши фактлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқидир.

1991 йилнинг 18 ноябрида ёқ Олий Кенгаш «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунни қабул қиласган бўлиб, унда сайловларни кўп partiyaийlik асосида ўтказиш назарда тутилган.

Ўтган йиллар давомидаги сайловларда номзодлар кўрсатишга доир қонунчиликдаги ўзгартиришларга эътибор берсак, улар тобора сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштирокини мустаҳкамлаб бораётганига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат сиёсий партияларнинг сайловларда ҳақиқий рақобат олиб бориши учун замин тайёрлайди.

Хулоса қилиб айтганда, референдум давлатнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда халқ қароридир. Референдум – халқ иродасининг олий шаклидир. Ўтказилган сайлов ва референдумда халқни ўзига бўлган ишончи ортди, унинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ижтимоий онги юксалди. Унинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончи ортиб, буюк келажак сари интилмоқда.

Давлатимизнинг ривожланишида партиялар шунчаки партия тузиш учунгина тузилмаслиги, бу шунчаки одатга айланмаслиги керак. Ҳар бир партия ўз қиёфасига, жамиятнинг ўзи суянадиган қатламлар манфаатларини ифода қиласувчи аниқ дастурига эга бўлиши лозим. Бу билан ҳалқимизнинг орзу-умидларини обрў-эътибор ортиришга ишонч қозонишга, партия шу билан бирга қонун чиқарувчи ва вакиллик органларида, кейинчалик эса ҳокимиятнинг ижрочи органларида ҳам кўпроқ ўрин олишга ҳаракат қилмоғи даркор.

Халқقا сайловолди мавсумида эълон қиласган дастурининг энг тўғри эканини, мамлакат интилаётган мақсад, фаровон ҳаётга айнан мана шу дастур орқали эришиш мүмкинлигини исбот қиласган ҳолда, уни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиши лозим. Сайлов – халқ ўз ҳокимияти ва хоҳиш-иродасини тўғридан-тўғри рўёбга чиқаришнинг олий ифодаси сифатида намоён бўлиши керак ва ҳар бир сайловчи ўзи учун ўз хоҳиш-иродасига қараб овоз бериши шарт эканлигини унинг онгига сингдириш лозим.

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИНИНГ ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК ИШЛАРИ (БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ХИВА ХОНЛИГИ МИСОЛИДА)

Абдуллаев Д.Н. - Тошкент давлат педагогика университети докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлиги ҳўқумдорларининг хайрия ва ҳомийлик фаолияти тўғрисида сўз юритилган. Таҳлиллар архив ҳужжатлари ҳамда бирламчи манбалар асосида ўтказилган.

Калит сўзлар: хайрия, ҳомийлик, Бухоро амири, Хива хони, “Мехрибонлик уйи”, “Таржимон” газетаси, хайрия жамияти.

БЛАГОТВОРИТЕЛЬНАЯ И СПОНСОРСКАЯ РАБОТА ХАНСТВ СРЕДНЕЙ АЗИИ В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ (НА ПРИМЕРЕ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА И ХИВИНСКОГО ХАНСТВА)

Абдуллаев Д.Н. –докторант Ташкентского государственного педагогического университета

Аннотация.: В данной статье рассказывается о благотворительности и спонсорстве Бухарского эмирата и Хивинского ханства в конце XIX и начале XX веков на основе архивных документов и первоисточников.

Ключевые слова: благотворительность, спонсорство, эмир Бухары, Хивинское ханство, Дом милосердия, газета «Переводчик», благотворительная общественность.

CHARITABLE AND SPONSORSHIP WORK OF KHANATES OF CENTRAL ASIA IN THE LATE XIX-EARLY XX CENTURIES (ON THE EXAMPLE OF BUKHARA EMIRATE AND KHIVA KHANATE)

Abdullayev D. N. – doctoral student of Tashkent state pedagogical University

Annotation. This article describes the charity and sponsorship of the Bukhara Emirate and the Khiva khanate at the end of XIX and early 20th centuries on the basis of archival documents and primary sources.

Keywords: charity, sponsorship, Emir of Bukhara, Khiva's khanate, Mercy Home, Translator newspaper, charity community.

Бизга маълумки, мамлакат аҳолисининг эҳтиёжини қондириш, уни моддий қўллаб-қувватлаш ижтимоий ҳимоялаш тизимида акс этади. Бевосита, меҳр-мурувват, саховатпешалик, ғамхўрлик кўрсатишнинг асоси бўлган миллий қадриятлар, яъни хайрия ва ҳомийлик масалалари тарихимизнинг турли даврларида мунозарали қарашлар, янгича ёндашувлар асосида ривожланиб келган. Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олгунгача бўлган даврда тарихимизда хайрия, сахийлик ва ҳомийлик масалалари шарқона тарзда намоён бўлган. Бундан кейинги тарихий босқичда Ўрта Осиё Россия империясига мустамлака бўлган даврда қийинчилик билан бўлса-да, миллий қадриятлар ривожланиб борган. XIX аср иккинчи ярмида Туркистон ўлкаси ижтимоий ҳаётида хайрия кўринишининг барча турлари мавжуд бўлиб, улар Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига мавжуд бўлган.

Бир қатор архив ҳужжатларини ўрганиш жараёнида Бухоро амирлари ва Хива хонларининг қилган хайрили ва ҳомийлик ишларини таҳлил қилдик. Мисол учун, 1884 йил 11 январда Туркистон Генерал губернаторлигининг Қурилиш ишлари бўйича комитетига келиб тушган мурожаатномалардан бирида Бухоро амирлиги шаҳзодаси Тошкент шаҳридаги Абдулқосим эшон, Бароқхон, Кўкалдош ва Хўжа Аҳрор масжид ва мадрасаларининг қайта таъмирланишига 12000 рубль

маблағ ажратиб ҳомийлик қилган¹ бўлса, Бухоро амири Музаффар амирлиқдаги мадрасалардан бирига 1000 танга сарф қилган².

Ёки 1892 йилда Бухоро амири Абдулаҳадхон Россиядаги ноchorлар қўмитасига юз минг рублни хайрия йўлида сарфлаган³. Туркистон ўлкасида хайрия ва ҳомийлик фаолияти Бухоро амирлари ва Хива хонлари томонидан ҳам кенг кўламда амалга оширилганлигига оид бир қатор манбаларни таҳлил этар эканмиз, уларда ҳукмдорларнинг амалга оширган хайрли ишлари нафақат маҳаллий аҳоли учун, балки ҳукмрон мустамлакачи Россия империяси фуқаролари фойдаси учун ҳам амалга оширилган.

Бухоро амири Сайд Абдулаҳад ҳам ҳукмронлик қилган йилларида (1885-1910) бир қатор хайрли ишларга қўл урган. Масалан, 1898 йилда Петербургдаги Аёллар тиббиёт институтига 4000 рубль хайрия қилган⁴. Шунингдек, 1900 йил 10000 рублни император соғайғанлиги муносабати билан Термизда император номи билан аталувчи ўқув муассасасига хайрия сифатида сарфлаган⁵.

1904 йилда Тошкентда мусулмонлар учун Шукурхон мадрасаси ўрнида “Мехрибонлик уйи”ни таъмирашга 10000 рублдан ортиқ маблағ ишлатилиб, вақф мулкидан, аҳолидан хайрия сифатида олинган⁶. 1904 йили амир ўз ҳисобидан 30000, ўғли ҳисобидан 10000 рублни Кавказдаги қозоқлар ижтимоий ҳаётини яхшилиш учун хайрия қилган⁷. Шу йили Хива хони ва хивалик савдогарлар ҳам “Қизил Xоч” жамияти учун 300 шинел хайрия қилган⁸.

1906 йили Хива хони Туркистон генерал губернаторининг аёлига хайрия ишлари учун 1000 рубль юборган⁹. 1908 йилгача “Таржимон” газетасига Бухоро амири томонидан 25 йил давомида 4300 рубль хайрия қилинган¹⁰. Амир Олимхон 1911 йил февралда Қизил хоч жамиятига 100000 рубль, Еттисувда содир бўлган зилзила сабабли талофат кўрган оиласарга 25 минг рубль, шунингдек, Тошкент аёллар гимназияси ҳамда шаҳарда таълим олаётган кам таъминланган болаларга 3000 рублдан¹¹, март ойида амир рус-тузем касалхонасига 4000 рубль, Қизил хоч жамиятига 100 минг рубль, чигирткага қарши кураш ишларига 64000 рубль миқдорида хайрия маблағларини ажратган¹². 1912 йилда Хива хонлиги бош вазири Сайид Исломхўжа шаҳардаги хайрия ташкилотларининг фойдаси учун 100000 рубл сарф этгани сабаб хон томонидан “Вазири акбар” унвонини олган¹³. Туркистон мусулмонларининг мурожаати билан Бухоро амирлиги ҳукумати 1912 йилда Қарши, Шаҳрисабз ва Ҳисорда касалхона очилишига 450 минг рубль сарфлаган. Шу йил Бухоро амири Олимхон Бухородаги 37 нафар татар талабалари учун 1000 рубль хайрия қилган¹⁴.

Эски Бухоро полиция бошлиғи Вильман 1914 йил 14 июнда сиёсий агентликка йўллаган мактубида жорий июнъ ойининг дастлабки кунларида маҳаллий эшон Шояхсий 63 ёшга тўлиши муносабати билан анъанавий зиёфат берганда, бу тўй учун Бухоро амири ўн беш минг тангани эҳсон қилган¹⁵.

¹ ЎзР МДА., Фонд И – 1. Рўйхат 24. Йиг. Жилд. 177. –В. 1.

² Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883-1917). Япония., Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 192. 47-б.

³ Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883-1917). Япония., Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 192. 74-б.

⁴ ЎзР МДА., Фонд И – 2. Рўйхат 1. Йиг. Жилд. 43. –В. 3.

⁵ ЎзР МДА., Фонд И – 2. Рўйхат 1. Йиг. Жилд. 92. –В. 1,6.

⁶ Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883-1917). Япония., Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 192. 147-б.

⁷ ЎзР МДА., Фонд И – 2. Рўйхат 1. Йиг. Жилд. 182. –В. 4,5.

⁸ Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883-1917). Япония., Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 192. 150-б.

⁹ Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883-1917). Япония., Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 192. 160-б.

¹⁰ Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883-1917). Япония., Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 192. 170-б.

¹¹ “Правительственный вестник”. (Санкт-Петербург), 2,5,8 февраля 1911 г.

¹² “Туркестанские ведомости”. (Ташкент), 27 февраля, 1 марта 1911 г.

¹³ Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883-1917). Япония., Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 192. 192-б.

¹⁴ Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883-1917). Япония., Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 192. 198-б.

¹⁵ Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан (Маъсул мұхаррир; Ҳ.Б.Бобоев) –Т;”Ўқитувчи”, 2002. - Б. 37.

Шунингдек, рус-япон уруши вақтида Россия империяси армиясидаги мұхтожларга Бухоро амири Абдулухад 1,5 млн рублдан ортиқ хайр-әхсон қылган. 1914 йил Қўқон аҳолиси ҳам уруш учун 9000 рубль түплаган. 1914 йил Олимхон ҳам ўз отасидан орқада қолмаган ҳолда биринчи жаҳон урушида ярадор рус аскарлари фойдасига 1 миллион рубль хайр-әхсон қылган¹. Ҳатто империя олдида у шу хизматлари учун рус армияси генерал-лейтенанти унвонига сазовор бўлган ва императорнинг генерал-адъютанти деб тасдиқланган².

Бундан ташқари, Абдулаҳад Тошкент, Бухоро ҳамда Россиянинг баъзи минтақаларининг мұхток аҳолисига рус мактаблари очилиши учун катта миқдорда хайр-әхсон қылган³.

“Россия мұхтокликлари учун” амир томонидан қилинган хайр-әхсонлар Бухоро ва Россия ўртасида “дўстона мұносабатларни мустаҳкамлаш” деб баҳолантган⁴. Ҳатто, И smoил Гаспринский Абдулаҳадни қоралаб, шу хайр-әхсонларнинг кичик қисмига керакли йўналишда давлат ишларини ривожлантира олиши мүмкін бўлган бир қанча саводли одамларни тайёрлаш мумкинлигини ёзган⁵. Шунга қарамай, Гаспринский, “Berlin Tagblat” хабарига асосланиб, Абдулаҳад турк султони билан қурилган Ҳижоз темир йўли учун 160000 рубль хайр-әхсон қилганини таъкидлайди⁶. Абдулаҳаднинг бу қилган ишини турлича баҳолаш мүмкін. Биринчидан, у турк султони каби, ўзини мусулмонларнинг ҳомийси деб кўрсатишга ҳаракат қилган. Иккинчидан, у эҳтимол, руслар олдида ўзининг камситилган ҳолати учун ўзини оқлаган. Хива хонлари ҳам русларга нисбатан саҳијликда ўз қўшнисига қараганда камтарироқ бўлган. Шунга қарамай, улар ҳам турли вақтда рус армияси аскарлари фойдасига пул ва нарсалар билан хайр-әхсонлар қилиб туришган⁷.

Демак, Бухоро амирлари ҳамда Хива хонлари томонидан амалга оширилган хайрли ишлар ва ҳомийлик фаолияти нафақат Туркистон ўлкасининг маҳаллий аҳолиси, балки Россия империяси ва у босиб олган ҳудудлар манфаатлари учун ҳам хизмат қылган. Ҳатто, улар амалга оширган ишларни қўллаб-қувватловчи ва танқид қилувчи тарафдорлар ҳам учраган. Танқид қилувчилар ҳукмдорлар амалга оширган хайр-әхсон, хайрия ва ҳомийлик ишларини хонликларни ривожлантириш, аҳолини саводли қилишга йўналтиргани маъқул эди, деган фикрни илгари сурғанлар. Бу Россия империясининг хонликларга бўлган мұносабати, Ўрта Осиё хонликларининг империяга бўлган тобелигининг мустаҳкам бўлганлигини англатади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХШУНОСЛИГИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ТАРИХИННИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Шукуров Р. - Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчisi

Аннотация. XX аср охири-XXI аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари тарихи, хусусан Бухоро амирлиги тарихининг ўрганилиши масалаларига Марказий Осиё давлатлари тарихчилари томонидан кўп бора мурожаат қилинган. Мазкур мақолада шу мавзуда нашр этилган баъзи мақолалар, монографиялар ва тадқиқот ишлари тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, сиёсий ва иқтисодий тарих, совет даври тарихшунослиги, тарихшунослик, ҳужжатлар, Марказий Осиё, илмий-назарий ёндашувлар, илмий тадқиқотлар.

ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА В ИСТОРИОГРАФИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

¹ Бухарә амирининг ионаси // Таржимон. 1914. № 230.

² Жаноби Олий Бухоро амири Саййид Мир Олимхон ҳазратлари номига содир олинмиш фармони императори // Таржимон. 1916. №7.

³ Ионаи Абдулаҳадхон // Таржимон. 1892. № 4; Тошканд // Таржимон. 1893. № 20.

⁴ ЎзР МДА., Фонд И – 2. Рўйхат 31. Йиғ. Жилд. 251. – В. 18.

⁵ И smoил. Бухоро // Таржимон. 1896. № 49.

⁶ Бухоро амири. // Таржимон. 1901. № 9.

⁷ Хива хони... // Таржимон. 1904. № 57; Бухоро ва Хива хонлари // Таржимон. 1904. № 70; Ташкент (рус.) // Таржимон. 1904. № 89; [Хива хони...] // Таржимон. 1906. №84; Хива // Таржимон. 1913. № 160.

Шукуров Р. - преподаватель Ташкентского государственного педагогического университета

Аннотация. В конце XX века и в первые десятилетия XXI века история узбекских ханств неоднократно являлась объектом исследования историками Центральной Азии. В данной статье анализируются некоторые исследования, научные публикации и монографии, опубликовавшиеся в Центральной Азии о Бухарском эмирате с историографической точки зрения.

Ключевые слова: Бухарский эмират, политическая и экономическая история, советская историография, историография, документы, Центральная Азия, научно-теоретические подходы, научные исследования.

STUDIES TO HISTORIES BUHARA EMIRATE IN CENTRAL ASIA

Shukurov R. - teacher of Tashkent state pedagogical University

Annotation. In the end of the XX-th century and in the first decades of the XXI-st century the history of the Uzbek khanates repeatedly was object of research by historians of the Central Asia. In given article some researches, scientific publications and the monographies published in the Central Asia about Bukhara emirate from historiographic point sight are analyzed

Keywords: Bukhara emirate, political and economic history, soviet historiography, historiography, the documents, Central Asia, scientifically-theoretical approaches, scientific studies.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига дунё сиёсий ҳаритасидаги ўзгаришлар тарих фани тадқиқотларида ҳам маълум даражада ўзининг таъсирини кўрсатди. Тарих ва тарихий жараёнлар, сиёсий-тарихий вазият уларнинг рўй беришидаги асосий сабаб ва хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда ҳар томонлама таҳлил қилиш тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишида катта омил саналади. Шу жиҳатдан Бухоро амирлиги тарихининг ўрганилиши ҳам бугунги кунда ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бухоро амирлиги Шарқ ва Европа ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий, маънавий ва маданий муносабатлар жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолда XX асрнинг бошларигача мавжуд бўлди. Бу жиҳатлари билан Бухоро амирлиги тарихи узоқ йиллар давомида кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб этиб келди, амирлик тарихининг турли масалалалари юзасидан бир неча ўнлаб тадқиқотлар амалга оширилди, юзлаб мақолалар ёзилди. Тарихшунослик нуқтаи назаридан Бухоро амирлиги тарихининг ўрганилишини аънавий равишда XX аср бошларигача бўлган мустамлака даври тарихшунослиги, XX асрни деярли тўлиқ қамраб олган совет даври тарихшунослиги ва XX асрнинг 90-йилларидан бугунги кунларга қадар бўлган мустақиллик даври тарихшунослиги даврларига бўлинадиган бўлса, улар орасида сўнгги давр тарихшунослиги алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Бухоро амирлиги тарихини ўрганиш мустақиллик йилларида айниқса янада янги-янги ёндашувлар ва тадқиқот йўналишлари билан тадқиқотчиларнинг дикқат марказида бўлиб келмоқда. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва XXI асрнинг бугунги кунларгача ўтган даври мобайнида нафақат Ўзбекистон тарихчилари, балки Марказий Осиё давлатлари ва Россия тарихчилар томонидан ҳам Бухоро амирлиги тарихининг турли соҳаларига оид бўлган бир нечта ўнлаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди, юзлаб илмий мақолалар эълон қилинди. Айниқса, турли даврларда яратилган тарихий илмий асарларда муаллифларнинг тадқиқот масалаларига турлича ёндашувлари ва фикрлари, хуросаларнинг турличалиги, уларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва тарихийлик, илмийлик ҳамда холисликка асосланилган энг тўғри хуросаларни чиқариш бугунги кун тарихчи мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Ўзбек хонликлари тарихини ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда ва ҳозирги кунгача хонликлар тарихи бўйича амалга оширилган ва яратилган илмий асарлар ҳамда илмий тадқиқотларнинг салоҳияти жуда катта. Ўтган бир ярим аср мобайнида хонликлар тарихини ўрганишда турлича ёндашиш ва муносабатлар бу тадқиқотларга бўлган эътиборни янада кучайтиради.

ХХ асрнинг 20-йилларидан 80-йиллари охиригача бўлган даврда Бухоро амирлиги тарихининг тарихшунослик тадқиқотлари шуни кўрсатади, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан – ХХ асрнинг 50-йиллари ўрталаригача бўлган даврда амалга оширилган тадқиқотларда амирлик тарихини ўрганишга нисбатан объектив ёндашуви билан хусусиятланади. ХХ аср 50-йилларидан – 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда амалга оширилган илмий тадқиқотларда эса коммунистик мафкура ва социалистик тузум ғоялари таъсирида тарихни ўрганишга бир томонлама ёндашув ҳукм суради.¹ ХХ асрнинг 80-йиллари ўрталаридан 90-йиллари бошигача (“қайта қуриш” даври) бўлган даврда амалга оширилган илмий ишларда эса масалага объектив ва тарихийлик нуқтаи-назаридан ёндашувга мойиллик кўзга ташланади. Гарчи бу даврда тадқиқот обьектига ёндашув масаласида турли ҳолатлар кўзга ташлансада, ўзбек ва тожик тарихчилари ва тадқиқотчилари томонидан амирлик тарихи бўйича улкан ҳажмдаги илмий тадқиқотлар амалга оширилди, кўплаб тарихий манбалар амалдаги ёзувларга таржима қилинди ва нашр эттирилди.²

Кейинги чорак аср давомида ўзаро муштарак тарихга эга бўлган Марказий Осиё давлатлари тарихчилари томонидан турли даврларда Ўрта Осиёда ҳукм сурган давлатлар ва халқларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаёти жараёнлари, маънавий ва маданий ҳаёти тарихи, этнографияси ва бошқа масалаларига бағишлиланган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди, кўплаб монографиялар ва илмий мақолалар эълон қилинди. Бу тадқиқотлар орасида XVI-XX аср бошлари - хонликлар даври тарихига бағишлиланган тадқиқотлар кўпчиликни ташкил қиласди. Хонликлар тарихига оид тадқиқотлар доирасида Х.Зияев, Ш.Воҳидов, Г.Аззамова, З.Илҳомов, А.Дониёров, Қ.Ражабов, О.Масалиева ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари ва чоп этилган асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин³.

Хориж тарихшунослигида илмий салоҳияти юқори бўлган асарлардан олмониялик олима Анке фон Кюгельгеннинг «Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.)» ни тилга олиш мумкин.⁴ Бухоро давлати ҳукмдорлари - манғитлар сулоласи ҳақида тарихчи Қ. Ражабов бир қатор мақолалар чоп эттириди.⁵ Р. Холиқованинг монографияси ва айрим мақолаларида тадқиқ қилинаётган мавзуга оид фикр ва мулоҳазалар учрайди.⁶

Бухоро амирлиги давлат бошқаруви, маъмурӣ ва ҳарбий амалдорларнинг вазифалари, ҳарбий масалага оид маълумотлар маҳаллий тарихнавислик мактаби намояндадари асарлари билан бир қаторда уларга изоҳ, ҳамда тушунтиришлар киритилган ғарб олимлари томонидан ҳам кенг миқёсда ўрганилган.⁷

¹ Қаранг: Кисляков Н.А.. Очерки по истории Карагина. К истории таджикского народа, Сталинабад, 1954; Б. И. Искандаров. Из истории Бухарского эмирата (Восточная Бухара и Западный Памир в конце XIX века), М., 1958; Б. И. Искандаров. О некоторых изменениях в экономике Восточной Бухары на рубеже XIX—XX вв. 1958; З. Бахрамов. Земельные отношения в Шугнане в конце XIX — начале XX в. (1895—1920 гг.). 1957; П. П. Иванов. Хозяйство Джуйбарских шейхов. «К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVIII вв.», М.—Л., 1954; Мирзаев К.М.. Амлячная форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве, Ташкент, 1954 ва бошк.

² Норкулов Н. “Тарих-и Салими”- цепний источник по истории Бухарского эмирата. (1860-1920 гг.). Т., 1968; Мирза Бадиъ Диван. Мажмъа ул-аркам. (Факсимиле рукописи. Введение, перевод и примечание А. Б. Вильдановой. М.: Наука 1981; Вильданова А. Б. Подлинник бухарского трактата о чинах и званиях. / Письменные памятники Востока. Ежегодник, 1968. М., 1970; Аҳмад Маҳдуми Дониш. Рисола с Мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития. “Сарват”. Душанбе. 1992; Мирза Абдулазим Сами. Тарих-и салтанати манғития. (История манғитских государств) Перевод и примечания. Л. М. Епифановой. М. 1962. ва бошк.

³ Қаранг: Зиёев Ҳ. З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. (XVII- XX аср бошлари). Т.: Шарқ, 1998; Аззамова Г. А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. - Т., Ўзбекистон, 2000; Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигига унвон ва мансаблар. – Тошкент: Фан, 1996; Воҳидов Ш.Х. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Қўқон хонлигига тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фанлари докт. илм. дараж. олиш учун ёзилган диссертация. 1998 й; Илҳомов З, ва бошк. Ўзбек хонликлари тарихшунослиги. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2011; Дониёров А, Бўриев О., Аширов А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. Тошкент, “Янги нашр”, 2011; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. - Тошкент: Маънавият, 2002; Масалиева О. Бухоро, Хива ва Қўқон хонлиги тарихини XX аср Англия ва Америка тарихшунослигида ўрганилиши. Тарих фан...номзоди дисс... – Т., 1998.

⁴ Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). Алмати: “Дайк-Пресс”, 2004.

⁵ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. - Тошкент: Маънавият, 2002; Шу муаллиф, Муҳаммад Раҳимхон — манғитлар сулоласи асосчиси. // Бухоро мавжлари, 2005, 3-сон, 36-37-бетлар: Шу муаллиф, Муҳаммад Дониёбий оталиқ: бийлик мансабидан амирлик рутбасигача. // Бухоро мавжлари, 2005, 4-сон, 37-339-бетлар.

⁶ Қаранг: Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида.- Т.: Ўқитувчи, 2005. -236 б; Ўша муаллиф. XIX асрда Бухоро амирлиги. // Жамият ва бошқарув, 2000, № 3; Ўша муаллиф, Босқинчилар кўзини ўйнатган Бухоро олтини. // Жамият ва бошқарув, 2000, № 4; Ўша муаллиф, ва б.

⁷ Мирза Бадиъ Диван. Мажмъа ул-аркам. (Факсимиле рукописи. Введение, перевод и примечание А. Б. Вильдановой. М.: Наука 1981; Семёнов А. А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях их носителей в средневековой Бухаре. //Советское востоковедение, Т-

Ўзбекистон тарихчилари,¹ Тожикистон тарихчилари, Россия тарихчилари томонидан Бухоро амирлиги тарихига оид бир неча ўнлаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди ва илмий асарлар яратилди. Гарчи бу тадқиқотлар замонавий тарих фани тадқиқотларининг энг сўнгги талаблари асосида амалга оширилаётган бўлсада, айрим масалаларда айрим ихтилофларни кузатиш мумкин, бу эса албатта амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг тарихшунослик нуқтаси назаридан таҳлилиниң долзарблигини ва илмий муаммонинг муҳимлигини янада оширади. Айниқса, амалга оширилган илмий тадқиқотларда Бухоро амирлигининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тарихи масалалари, сиёсий тарихининг ички ва ташқи муносабатлар билан боғлиқ масалалари, ҳарбий ва дипломатик алоқаларининг таҳлили ва бошқа масалалар алоҳида тадқиқ этилган бўлсада, уларнинг тарихшунослик нуқтаси назаридан қиёсий таҳлилини амалга ошириш Бухоро амирлиги тарихи ҳақида янада тўлиқроқ ва мукаммал маълумотларнинг умумлаштирилишига имкон беради. Шу жиҳатлари билан Марказий Осиё ва Россия тарихчилари томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг умумий илмий-тарихий таҳлили замонавий тарихшунослик тадқиқотлари доирасида Бухоро амирлиги тарихининг ўрганилишида янада муҳим аҳамиятга эгадир.

Қирғизистонлик тарихчи Е.Г.Гарбузарова ўзининг илмий тадқиқот ишида XIX аср дунёning энг иирик империялари – Россия ва Буюк Британиянинг Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий рақобатчилик масалалари ва бу сиёсий жараёнларда ўзбек хонликларининг ўрнини кўрсатиб берувчи бир қатор маълумотларни келтириб ўтган.²

Тожикистонда амалга оширилган илмий тадқиқотлардан яна бири Мехди Жафарзодага тааллуқли бўлиб, бу тадқиқотчи ўз илмий изланишларида Марказий Осиё давлатларининг Эрон билан савдо ва дипломатик муносабатлари тарихини тадқиқ қилган.

Хулоса сифатида айтиб ўтиш керакки, ўзбек хонликлари тарихи ва бу борада амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё давлатлари тарихчиларининг ҳам доимий диққат марказида бўлган ва ўзининг долзарблигини сақлаб қолган, шу жиҳатдан қараганда бу борада Марказий Осиё тарихшунослигига хонликлар даври тарихига бағишлиланган тадқиқотлар кўпчиликни ташкил қиласди. Гарчи уларнинг айримларида турли ихтилофлар ва тафовутлар кўзга ташлансада, айни вақтда уларда хонликларнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ва маданий тарихи масалалари, ташқи муносабатлар билан боғлиқ масалалари, ҳарбий ва дипломатик алоқаларининг таҳлили ва бошқаларга оид бўлган кўплаб қимматли маълумотларни кўриш мумкин. Уларнинг тарихшунослик нуқтаси назаридан қиёсий таҳлилини амалга ошириш эса Марказий Осиё тарихини янада тўлиқроқ ва мукаммал ўрганиш имконини беради, шу жиҳатдан, Марказий Осиё тарихшунослигига мавзуга оид амалга оширилган ҳар бир тадқиқот катта аҳамият касб этиши шубҳасизdir.

V 1948 С. 137-153; Вильданова А. Б. Подлинник бухарского трактата о чинах и званиях. / Письменные памятники Востока. Ежегодник, 1968. М., 1970.

¹ Масалиева О. Бухоро, Хива ва Қўйон хонлиги тарихини XX аср Англия ва Америка тарихшунослигига ўрганилиши. Тарих фан...номзоди дисс... – Т., 1998; Мұҳаммаджонова Л. XX асрнинг бошларида Бухоро ижтимоий-сиёсий вазият ва демократик ҳаракатлар ривожланиши (1908-1920). Тарих фан. ном. дисс. автореф. – Т., 2000; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. - Тошкент: Маънавият, 2002; .Шукуриллаев Ю.А. Бухоро амирлигига қўшин ва ҳарбий иш (1753 – 1920 йиллар). Тарих фан. номз ... дисс. Тошкент, 2006 ва бошк.

² Гарбузарова Е.Г. Геополитический аспект противостояния Российской и Британской империй в Центральной Азии в XIX веке. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Бишкек. 2010.

СИНТАКТИК ТАБИАТГА ЭГА УЮШГАН ҚҰШМА ГАПНИ ҮРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ**Абдувалиева Д. - Жиззах политехника институты үқитувчisi**

Аннотация: Ушбу мақолада уюшган құшма гапларнинг тилшунос олимлар томонидан үрганилиши ва уларнинг таърифлари, шунингдек, маълум кўринишдаги структуравий белгиларга эга бўлган уюшган құшма гапларнинг фаоллашув шакллари ва воситаларини аниқлаш учун синтактик бирликлар қурилиши заминида юзага келадиган синтактик алоқалар моҳияти таҳлил қилинган ва уларни тур, гуруҳларга ажратишда мезонли ёндашув тўғрисида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: уюшган құшма гаплар, құшма гап, синтактик табиат, грамматик хусусият, статик ва динамик структура, мезонли ёндашув, структуравий белги.

ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ ОРГАНИЗОВАННОГО СОВМЕСТНОГО ПРЕДЛОЖЕНИЯ С СИНТАКСИЧЕСКИМ ХАРАКТЕРОМ**Абдувалиева Д. - преподаватель Джиззакского политехнического института**

Аннотация: В данной статье анализируется сущность синтаксических отношений в области синтаксических единиц для анализа и формулирования синтаксических единиц для определения форм и средств активации коллективного сосуществования с учеными-лингвистами и их определения, на подходе к обсуждению.

Ключевые слова: совместная речь, совместная речь, синтаксическая природа, грамматика, статическая и динамическая структура, размерный подход, структурный характер.

QUESTIONS OF STUDYING OF ORGANIZED COMBINED SENTENCE WITH SYNTACTIC CHARACTER**Abduvalieva D. - Teacher of the Jizzakh Polytechnic Institute**

Annotation: This article analyzes the essence of syntactic relationships in the field of syntactic units to analyze and formulate syntactic units to determine the forms and means of activation of collective coexistence with linguistic scientists and their definitions, approach.

Key words: Joint Speech, Joint Speech, Syntactic Nature, Grammar, Static and Dynamic Structure, Dimensional Approach, Structural Character.

Уюшган құшма гапнинг синтактик табиати тилшуносларни узоқ даврдан буён қизиқтириб келмоқда. Ушбу масала олимлар томонидан берилган таърифларда турли-туманлиги билан ажralиб туради.

«Лингвистик атамалар луғати»да уюшган құшма гап умуман құшма гапларнинг бир тури сифатида қаралиб, «ўзаро бирикаётган бирликларнинг синтактик жиҳатдан «тeng ҳуқуқлилиги» ва ушбу бирликларнинг ритмик жиҳатдан жуфтлашувига қарамасдан мазмун жиҳатдан ўта яқин муносабатга киришиши ҳамда қисман ўз мустақиллигини сақлаши» қайд қилинган. Ушбу фикрдан кўриниб турибдики, уюшган құшма гап синтаксис тизимининг ўзига хос бирлиги сифатида намоён бўлади. Унинг табиати структуравий ва мазмуний бутунлик асосида шаклланади. Уюшиш ҳодисаси алоҳида бирликларнинг ягона таркибда бирикишини тақозо этганидек, құшма гап структурасида ҳам икки ёки ундан ортиқ содда гаплар, предикатив қурилмалар ўзаро бирикади. Энг асосийси – ушбу бирикиш кўпроқ динамик хусусиятга эга бўлиб, у нутқий мулоқот жараёнида юзага келади. Шу сабабли, биз ушбу мақолада уюшган құшма гапнинг лисоний моҳиятини синтактик қолипнинг мулоқот муҳитида нутқий фаоллашуви, бажараётган коммуникатив вазифасига нисбатан аниқламоқликни лозим деб билдик. Бундан ташқари, уюшган құшма гапнинг тизимиш ва мазмун белгиларининг фаоллашув шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш вазифаси синтактик тузилмалар таркиб топишини таъминловчи синтактик алоқалар турларини фарқлашни талаб қиласди.

Умуман, қўшма гапларнинг уюшган ва эргашган турлари ҳамда айрим структуравий турларини фарқлашда боғловчиларнинг маъноси ва вазифасига эътибор бериш анъанага айланган. Худди шу ғарб тилшунослигига хос бўлган анъана ўзбек тилшунослигида ҳам давом эттирилди ва тадқиқотчилар қўшма гаплар таснифида, биринчи навбатда, боғловчиларнинг бор ёки йўқлигига асосланиб таҳлил этиб келишди¹. Кейинги йилларда қўшма гап структураси ва мазмунига, унинг таснифий белгиларига бошқа йўсинда, яъни систем тилшунослик тамойиллари асосида ёндашиш кенг ўрин олаётгандиги сезилади.

Келтирилган таърифлар уюшган қўшма гапларнинг барча асосий ва муҳим хусусиятларини қамраб ололмайди. Аммо тадқиқотчилар ўз таърифларида қўшма гапга хос белгиларни умумлаштиришга ҳаракат қилгандар. Бу белгилар қаторига қўйидагилар киради:

- 1) структуравий ва семантик бирикиш;
- 2) қисмларнинг тенглиги ва нисбатан мустақиллиги;
- 3) қисмларнинг ўзаро ўрин алмашиши;
- 4) қисмларнинг боғловчилар воситасида бирикиши;
- 5) қисмлар ўртасида фақат уюшадиган гаплар учун хос бўлган муносабатнинг мавжудлиги;
- 6) интонацион шаклга эга бўлиши.

Аслида уюшган гапларни тадқиқ қилиш анъанаси ҳам худди шу белгиларни аниқлаш билан боғлиқ ҳолда маълум йўналишларда ривожланиб келмоқда.

Уюшиқ қўшма гапларнинг барча грамматик хусусиятлари ва улар атрофидаги мунозаралар ҳақида ушбу мақолада батафсил тўхталишнинг иложи йўқлиги сабабли (уларнинг кўпчилиги илмий адабиётда аллақачон кўп марталаб муҳокама қилинган) уларнинг биз танлаган мавзуга бевосита алоқадор томонлари ҳақида айрим мулоқазаларни билдиришга ҳаракат қиласиз.

Қўшма гап таркибида икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг бирикиши асосида ягона структуравий ва мазмуний бутунлик ҳосил бўлиши ўрганилаётган тузилмаларнинг асосий белгиси сифатида қаралади. Дастребки қарашда бу фикр ҳеч қандай мунозарага ўрин қолдирмайди, чунки шундай бутунлик бўлмаганда, қўшма гапни мустақил синтактик бирлик сифатида таърифлашга имкон топа олмасдик. Аммо бундай бутунлик қай йўсинда юзага келади ва уни қандай изоҳлаш мумкин, деган савол ҳануз ўз жавобини кутмоқда. Бу борадаги мунозара, асосан, қўшма гапнинг статик (турғун) ва ҳаракатдаги (динамик) тузилишини фарқлаш билан боғлиқдир.

В.А.Белошапкова қўшма гап икки ўзига хос грамматик хусусиятга эга эканлигини қайд қилиб, унда икки турдаги структура (статик ва динамик) бирикишини кўрсатади. Бу ерда турғун структура икки ёки ундан ортиқ предикатив қурилмани ўз ичига олса, динамик ёки коммуникатив структура ягонадир. Бошқа тадқиқотчилар қўшма гап таърифига коммуникатив бўлакнинг киритилишини ёқламайдилар, чунки бу ҳолда қўшма гапнинг шакл томондан икки предикатив тузилма, функция жиҳатдан эса ягона гап тарзида қаралиши кишида унчалик ишонч ҳосил қилмайди. Бундай қараш, сўзсиз, «грамматик бирликнинг структураси ва унинг қўлланиши ўртасидаги тизимий ўзаро муносабат ва мутаносибликни тамоман бир-бираидан ажратиб қояди»².

Бизнингча, қўшма гапнинг предикативликда ифода қилинадиган статик ва мулоқотда намоён бўладиган коммуникатив жиҳатларини қарама-қарши қўйиш тил ва нутқ тизимини ўта даражада қарама-қарши қўйиш анъанаси билан боғлиқдир. Маълумки, структурал тилшуносликда ҳукмрон бўлган таълимот³га биноан, тил тизими статик ҳолатда бўлиши, унинг бирликлари доимо зот (инвариант) қўринишда бўлиб, айрим парадигматик қаторлар тузиши эътироф қилинади. Нутқ эса, аксинча, лисоний бирликларнинг фаоллашуви, маълум қолипларнинг аниқ материал билан тўлдирилишини акс эттирувчи фаолият сифатида қаралади. Энг ачинарлиси, «нутқ» қобиғига нисбатан «тизим» тушунчаси ўта эҳтиёткорлик билан қўлланилади. Ҳолбуки, нутқий фаолият ва нутқий мулоқот барча тизимиий хоссаларга эга эканлиги аллақачон ўз тасдиғини топган воқелиқдир.

¹ Абдурахмонов F. Қўшма гап синтаксиси. Т.: ЎзФА, нашр, 1964. – 215- 6.

² Кручинина М.Н. Некоторые тенденции развития современной теории сложного предложения // Вопросы языкознания. 1973, №2. – С.19-26.

³ Нематов Ҳ. Тажалли тасаввуф билиш назарияси ва тилшуносликда синтаксисни ўрганиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993, № 2-сон. –27-30 б.

Ҳақиқатдан ҳам, агарда қўшма гап барча бошқа лисоний бирликлар қатори тугал семиотик белги сифатида қараладиган бўлса (Черемесина, 1981:4), унда предикатив ва коммуникатив хусусиятларни тамоман зид ҳодисалар кўринишида талқин қилиш мумкин эмас. Аксинча, бу хусусиятлар мураккаб белги бўлган қўшма гапнинг «икки томонлама»лигини таъминловчи, унинг лисоний моҳиятини ифодаловчи ва ифодаланмишларнинг изчил муносабатларида намоён бўлишини кўрсатувчи хусусиятлардир. Шунга кўра, синтактик қолип ва унинг фаоллашувига асосланган қўшма гап таърифини ушбу ҳодисанинг айнан тизимий табиатини акс эттирадиган таъриф деб ҳисоблаймиз. Зоро, қўшма гап таркибида предикатив қурилмалар маълум грамматик шаклларда, маълум мухитда мулоқот бирлиги сифатида ҳизмат қилиш учун бирикади.

Тилшунослар томонидан ажратиб келинаётган уюшган қўшма гап қисмларининг тенглиги ва мустақиллиги белгиси кўплаб эътиrozларга сабаб бўлади. Бу эътиroz, ўз навбатида, уюшган қўшма гапнинг ўзи том маънода «гап» тушунчаси моҳияти талабларига тўлиқ жавоб бера олмаслиги ҳақидаги фикрларнинг туғилишига омил бўлмоқда. Лекин қўшма гап мустақил синтактик қурилма сифатида юзага келар экан, унинг қисмлари мустақиллиги қисман бўлганда ҳам кучсизланишини эътироф этмасдан илож йўқ. Ўз пайтида бу тўғрида академик В.В.Виноградов гапириб ўтган эди: «Агарда уюшган қўшма гапни унинг динамик таркиб топиши жиҳатидан таҳлил қилсан, тенг бирикишнинг ҳар қандай кўринишида, фақатгина биринчи гапни мустақил деб ҳисоблашимиз мумкин; иккинчи гап структураси эса, кўп жиҳатдан биринчи гап билан бўлган муносабат ва уларни бириктирувчи алоқанинг табиатига боғлиқдир¹».

Албатта, ушбу таъкидда ўта қатъийлик сезилиб турибди, аммо уюшган қўшма гап қисмларининг мустақиллигини тўлиғича эътироф этишга биз ҳам журъат қилолмаймиз. Одатда, бундай мустақилликни асослаш мақсадида уюшган қўшма гапларнинг мустақил содда гапларга айланиши ёки илова бўлакка ўтиши каби ўзgartиришлар мисол қилиб келтирилади.

Масалан:

I am not a visitor and I'm not a servant → I am not a visitor. I am not a servant.

She invited him to dinner and she invited me to dinner → She invited him to dinner. She invited me to dinner.

Бу хилдаги ўзгартмалар, бирикувдаги қисмлар ўртасидаги алоқага фавқулоддаги алоқа сифатида қаралишига олиб келиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Гап ва бошқа нутқий бирликларнинг тузилиш тартиби нафақат у ёки бу тил грамматик қоидалари, балки мулоқот мақсади, унинг бевосита кечиш шароити билан ҳам боғлиқдир. Мулоқот матнининг гаплардан ташкил топишини ҳеч ким инкор қилмайди, аммо матннинг ўзи гапни шакллантиради. Синтактик бирликлар матн таъсирида ўз кўринишини ўзgartиради, бошқача шакл олади. Г.А.Вейхман қўшма гапларни алоҳида синтактик категория сифатида эътироф этишга нисбатан эътиroz билдирса ҳам, юқори даражадаги синтактик бирликлар – «синтактик бутунлик»ларнинг асосий хусусиятлари қаторига уларнинг нисбатан йиғиқлиги, бир бутунлиги, қолиплашганлиги ва қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини киритади² (Вейхман, 1981:36).

Анъанага мувофиқ, уюшган қўшма гап структураси табиатан бир бутун тузилма сифатида қаралади. У ягона бутунлик сифатида талқин қилинганда, биринчи қисмнинг шакли кўпинча иккинчи қисм таъсирида юзага келишини тилшунослар аллақачон сезишган. Бундай ўзаро тақозолик маълум турдаги грамматик воситалар қўлланилишида ўз ифодасини топиши мумкин. Масалан, уюшган қўшма гапларнинг шаклланишида предикатив бўлакларнинг замон формалари мослашуви мухим вазифа ўтайди:

Erik spent half his time in the library, but occasionally he liked to work on the front port.

¹ Виноградов В.В. Основные вопросы синтаксиса предложения // Вопросы грамматического строя. М.: Учпедгиз, 1955. –С.5-17.

² Вейхман Г.А. Высшие синтаксические единицы (на материале современного английского языка). Автореф. дисс...филол. наук. – М.: ИЯАН, 1981. – 39-б.

Уюшган қўшма гапларнинг иккинчи қисмидаги қўлланиладиган олмош ва турли хил киритма сўзлар, юкламалар бирикаётган гаплар ўртасидаги мустаҳкам муносабатга ишора қилиши билан бир қаторда, уларнинг грамматик маъноларини белгилаш учун ҳам хизмат қиласди:

I was out with you young lady and we were pulling to Sonning.

Кўпгина ҳолларда биринчи қисмдаги бўлак иккинчисида аниқлаштирилган ҳолда такрорланиб туриши кузатилади:

The bosses only recognized strength and the strength of the unions had to be demonstrated in many battles.

Келтирилган мисолларнинг гувоҳлик беришича, уюшган қўшма гаплар таркибидаги бирикиш ўзига хос мазмуний муносабатлар асосида юзага келиб, маълум турдаги воситалар, грамматик кўрсаткичлар мажмуасига эга.

Уюшган қўшма гапларнинг яна бир шаклий кўрсатгичи – тенг боғловчиларнинг қўлланилишидир. Боғловчининг гап структурасида бажарадиган вазифаси, унинг грамматик белгилари орасидаги ўрни алоҳидадир. Маълумки, уюшаётган гаплар бирикишида восита хизматини ўтовчи боғловчининг тузилмадаги ўрни доимийдир, бироқ у тузилманинг бирор-бир қисми билан қоришиб кетмайди. Боғловчи шаклан иккинчи қисм предикациясини бошлаб беради ва бу билан ушбу қисм биринчисининг давоми эканлигини, грамматик жиҳатдан шакллантирувчи восита вазифасини ўташини кўрсатади.

Боғловчисиз уюшган қўшма гапларнинг мазмуний хусусиятлари ҳақида гапирганда «ушбу турдаги структуралар боғловчили қўшма гапларнинг айнан муқобили» деган анъанавий фикрдан воз кечиш пайти келганлигини уқтироқчимиз. Тил тизимида тўлиқ муқобиллик ҳодисаси кам учрайдиган воқеалик эканлигига суюниб айтмоқчимизки, боғловчисиз қўшма гаплар асосий ҳолларда мустақил мазмун ва кўринишга эга бўлган қўшма гаплар турларини ташкил қиласди ҳамда улар боғловчили гапларни матнда айнан такрорламайди.

Хуллас, уюшган қўшма гаплар маълум кўринишдаги структуравий белгиларга эгадир. Уларнинг фаоллашув шакллари ва воситаларини аниқлаш учун синтактик бирликлар қурилиши заминида юзага келадиган синтактик алоқалар моҳиятини таҳдил қилиш ва шу йўсинда уюшган қўшма гапларнинг семантик гуруҳларини фарқлаш тамойилларини танлаб олишга эҳтиёж туғилади.

Шундай қилиб, уюшган қўшма гапларни тур ва гуруҳларга ажратиш икки мезонли ёндашувни талаб қиласди. Бу тузилмаларни шакл ва мазмун ўйғунонлигидаги мезон асосида таснифлаш уларнинг структуравий-семантик бутунлик сифатидаги талқинига мос келади.

COGNITIVE LINGUISTICS IN THE SYSTEM OF SCIENCES

Saydazimova D.X. - Teacher of Tashkent state Pedagogical University

